

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, меҳрибон устозлар!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2015-yil, 1-oktabr. Payshanba

• 116-117 (32.020)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри устоз ва мураббийлар!
Авваламбор, сиз, азизларни умум-халқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кун билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишласин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўлаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек муътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди.

Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!
Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонат билан дунё миқёсида «Ўзбек модели» деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганга ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли-мизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнуний бағишлаб, яқин ва узоқ кўшнларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни энгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустақил тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадм бўлиб, янги, мураккаб фикрлайдиган, тараққий топан давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлоднинг тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айна шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши мукаррар эди.

Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг кўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги «портлаш эффекти»ни берганига бугун яққол ғувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биланам.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалби-га, юрагига етиб боришда сиз, ҳурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар беқиёс бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва маслақдошларим бўлган сиз, азизлардан умрбод миннатдорман ва барчангизга чин қалбим-

дан таъзим қиламан.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юрларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-хунарларга эга бўлиб, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топомқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намоён этмоқда.

Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қилаётган касб-хунарларни пухта эгаллаб, она Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, химоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?

Қадри юртдошлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, Интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жаҳон бозоридаги рақобат кўлами ва кескинлиги тобора шайқатли тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ғоят муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамохан бўлиб яшамасак, бутун борлигимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз мукаррар.

Хозирги кунда замоннинг ўзи биздан эришган ютуқлар билан қийофланмасдан, янада юксак марралар сари қатъият билан боришни, шу йўлда ўз билим ва тажрибамизни, касб малакамиз ва маҳоратимизни муттасил бойитиб, тақомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу маънода, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мунтазам равишда замон талаблари даражасига кўтариб бориш, педагогика университетини ва институтлардаги ўқув жараёнларини танқидий баҳолаб, уларни юксак мезонлар асосида ташкил этиш, соҳага илғор таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, бир сўз билан айтганда, педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Нега деганда, ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадм бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етук инсонларни камол топтиришга қодир бўлади.

Шу билан бирга, биз учун янги тизим бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг фаолиятини ташкилий-амалий, ўқув-методик жиҳатдан тақомиллаштириш, шу мақсадда мавжуд ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиш, айнаман шундай коллежларда таълим олаётган болаларимиз юртимизда барпо этилаётган, юзори технологияларга асосланган замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўйган эканмиз, ўз-ўзидан равшанки, уларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғлиқ.

Бу борада олий ўқув юрлари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган

Фармон бу ишларни янги сифат босқичга кўтаришга замин бўлади, деб ишонаман.

Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида туриш анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш домларимизнинг билим ва дунёқарабини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қадри устозлар!

Барчамизга аёнки, мафкура соҳасида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Агар озгина бўшлиққа йўл қўйсан, уни албатта бизга ёт ва бегона бўлган кучлар эгаллаб олади.

Хозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабиҳ тузоғига илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажагига қарши қаратилган таҳдидлар — бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гитхавандлик ёки «оммавий мадания» кўринишлари бўладими — бундай бало-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо оғох ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни талаб этмоқда ва бу йўлда сизлар бундан буюн ҳам ўз куч-ғайратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Бизнинг асосий вазифамиз — ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, **Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

Азизларим, қадрдошларим!

Бугун мана шу ҳал қилувчи вазифаларни чуқур анлаган, уларни амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган, чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шулар ҳақида гапирганда, бир фикрни мамнуний билан таъкидлашни истардим: мустақиллик йилларида самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз орасида ўқитувчи ва мураббийлар сони кўпчиликини ташкил этиши, ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизнинг сиз, азизларга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг амалий ифодасидир.

Сизларнинг масъулиятли хизматингизни муносиб қадрлаш, фаолиятингизни янги босқичларга кўтариш учун зарур шароитларни яратиш масаласи бундан буюн ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлади, деб сиз, азизларни ишонтариб айтишга бугун тўлиқ асосларимиз бор.

Барчангизни қутлуг айём — Ўқитувчи ва мураббийлар кун билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, сизларга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, бахту саодат, эзгу ишларингизда янгидан-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29-30 сентябрь кунлари Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи кунини Фарғона туманидаги «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, вилоят фермерлари ва фаоллари билан суҳбатлашди.

Деҳқон мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи тайёргарлик кўради, она ерга меҳрини бериб меҳнат қилади. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги туфайли етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг улкан хирмонини бунёд этишда, иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деди Президентимиз.

Амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида халқимизнинг, хусусан, фарзандларимизнинг бахту иқболи, уларнинг ҳеч қандай кам бўлмай вояга етишини таъминлашдек олижаноб мақсад мужассам. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт, деган эзгу тамойилнинг самараларини бугун ҳаётимизнинг барча жаҳаларида кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Шаҳару қишлоқларимиз обод, хонадонларимиз файзу баракали, халқимиз дастурхони тўкин экани юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самарасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ўтказилган «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингда Ўзбекистон жаҳонда 44-ўринни, МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур ва қувонч бағишлайди. Бу «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган эзгу ғоянинг амалдаги ёрқин ифодасидир, деди Юртбошимиз.

► Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асосларини ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Бердиев Турдали Жуманович — Яккабоғ туманидаги 14-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарь вилояти
Усмонова Арофатхон Мадаминовна — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

► Давоми 2-бетда.

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

УЛУҒ КАСБ ЭҒАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди



«Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила». Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ушбу сатрларида инсон камолоти йўлида ранж кечувчи устозлар олдида ҳар биримиз доимо қарздор эканлигимиз таъкидланган. Ҳа, ўз билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини маърифат йўлига бахшида этган инсонлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб.

► Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Жабборов Гулнора Бекчановна — Янгиариқ туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Саидходжаева Василя Мухаммадалимовна — Пискент туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР
МУРАББИЙСИ»

Алланов Аяпберген Жаббарберганович — Нукус шаҳридаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Джуроева Жамила Зуллоновна — Жиззах шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Каримова Дилбар Ташпулатовна — Тошкент педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мардаев Гулмурод Хайдарович — Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Султонова Сайёра Дилмуродовна — Поп тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тошмуродова Малюхат Носировна — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хамроев Ражаббой Қўлдошович — Навбахор саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ходжиева Ойгул Кадиловна — Марғилон миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шомиева Малика Хамроевна — Қоровулбозор туманидаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ
УСТОЗИ»

Артиков Алишер Абдуллаевич — Сайхунбод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шашка бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти

Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги қўн йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алланазаров Ўрол Шодмонович — Қизириқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Аманова Зулхумор Хамидовна — Фарғона вилоятидаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Турдиматов Закир Ярақалович — Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ
БИЛАН

Ботиров Махамдали Ахмадович — Ёзёвон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Джалилов Асатулла Туйчиевич — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Жуманазарова Зерлихан Жумамуратовна — Кегейли туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зуфарова Дилорам Темировна — Олмасор туманидаги 249-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Иштаев Юлдош Қўшназарович — Зарбдор қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Йўлдашев Обиджон — Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Каримов Илхомжон Нишанович — Жалолқудук туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Маматқулов Абдулла — Булунгур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ражабаев Атабек Эгамберганович — Урганч туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Рахимова Гулбахор Шарофовна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тураева Махфуза Шералиевна — Сарисий туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Хамзаева Гулхумор Эргашбаевна — Янгийўл туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ҳасанов Зайниддин Насриддинович — Учқудук кончилик касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

Шеркулова Дилрабо Арамовна — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Мамаразакова Наталья Сабиловна — Андижон олимпия захиралари коллежининг синхрон сузиш бўйича мураббийи, Андижон вилояти

Решова Гулбахар Еденбай қизи — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шаулов Константин Эдуардович — Тошкент шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманова Замира Амириллаевна — Гулистон тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Жўраева Барчиной Мейлиевна — Қарши саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каюмова Назира Рахматуллаевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Кузнецова Инна Борисовна — Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Матмусаева Ранохон Джурабаевна — Қўрғонтепа туманидаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Ражабов Илхом Усмонович — Вобкент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рустамова Лобархон Ибрагимовна — Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Сафарова Нодира Турсунбоевна — Узун туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Тлеумуратова Зулфия Сансизбаевна — Қонлиқўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Турдалиева Дилором Маматовна — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Улутбекова Иродахон Фуломжоновна — Олтиариқ туманидаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мак-

табининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳакимова Шаҳодат Абдуллаевна — Навоий шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хамраев Қамардин Аблакулович — Самарқанд автомобилсозлик касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Шахметова Альфия Калимуллоевна — Урганч шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепьяно синфи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Эркинбой Рўзимович — Қўшқўпир туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдуллаева Гулбахар Сайпиевна — Кармана саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Акимниязов Ҳикмат Асаматдинович — Қўнғирот кимё саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимарданова Наргиза Тайиловна — Жиззах вилоятидаги гимнастикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадний гимнастика бўйича бош мураббийи

Амируллаев Абдулҳак Камалович — Пайариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ашуров Нумонжон — Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицейининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бабаев Акмал Азамович — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бахриева Марҳамат Турғуновна — Юқори Чирчиқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бойқобилова Лобар Тоштемировна — Оқдарё туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Вансова Шахло Азимбоевна — Хива ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Гафурова Гулчирай Акбаралиевна — Мингбулоқ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Гафурова Анорхон Бахромовна — Шеробод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Давлетова Шохида Шухратовна — Тошкент шаҳридаги 2-Республика тиббиёт коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Давранова Мукаддамхон Ибрагимовна — Пахтабод туманидаги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Дусаров Олим Худаймуратович — Термиз саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

Кабиров Истам Ашурович — Когон шаҳридаги 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Кадиров Шухрат Кабилевич — Учтепа туманидаги 203-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кенжаева Холида Юлдошевна — Қарши туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кенжаева Манзура Эшболтаевна — Ғузор молия-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кубаева Нилуфар Тошмуродовна — Иштихон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мамажонов Мақсаджон Мухторович — Фарғона олимпия захиралари коллежининг таэквондо бўйича бош мураббийи, Фарғона вилояти

Махкамов Рашид Джураевич — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Махмудов Зухриддин Данаевич — Ғаллаорол туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Машарипов Худаяр Исламбаевич — Богот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Миршаева Нодира Ҳомидовна — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Муслимова Саида Тилаповна — Бўстонлик туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мустофоев Жуманазар Сафоевич — Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мухамеджанова Гули Маратовна — Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мухитдинова Наргизахон Муратовна — Қува компьютер технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Назаров Раъшан Абдурахимович — Музработ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ниязова Зулхумор Сагдиллаевна — Косон саноат-транспорт касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Орифжоновна Мунира Таировна — Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Пиров Раъшан Эрнӣевич — Жондор саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Раджабова Матлоба Исмаиловна — Шайхонтоҳур туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Разикова Лола Юлдашевна — Қўйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Рахимова Фаридат Ҳусеновна — Китоб туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сайпов Сайлаубай Бердибаевич — Нукус туманидаги агроиқтисодиёт касб-хунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Талибов Гайрат Хамидович — Самарқанд шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

Тапилова Матлубахон Назмиддиновна — Ангрен кимё саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Темирова Мамурахон Кохоровна — Балиқчи туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тожибоев Зоҳиджон Абдусаттарович — Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Туракулова Хуршида Эгамбердиевна — Қашаши туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турдимуратова Абадан Баймуратовна — Нукус педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Усманова Лаиза Касимовна — Учқўрғон туманидаги 43-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Файзиёва Матлуба Шароповна — Нурота туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хайтов Тўрабой Рузиевич — Данғара туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Халикулова Зулайха Анваровна — Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халмуратова Жумагул Мафуровна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали қошидаги академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хамдамова Азизахон Собиржановна — Янгиқўрғон енгил саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Наманган вилояти

Холжабаева Дилфуза Джураевна — Мирзаобод туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 29 сентябрь

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртида билим ва тарбия олмоқда.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ерга, меҳнатга муносабат ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга қўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Буни Фарғона вилояти фермерлари етиштирган мўл ҳосил мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятдаги 3590 фермер хўжалиги 100 минг гектардан зиёд майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштириди.

Абдураҳим Яхёев раҳбарлик қилаётган «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги аъзолари 109 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиришга, фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, паррандачилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 45 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, гектаридан 62 центнердан ҳосил олинди. 64 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш шартнома режаси ортиги билан бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ, фермерлар кенгашлари ташкил этилган соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик

ҳаракатини янада ривожлантириш, хомашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, Тошлоқ туманидаги «Заркент саховати» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Зебихон Рустамова, Фарғона вилояти Фермерлар кенгаши раиси Абдуғаффор Раҳимов, Ёзёвон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ўктамхон Солиева, Фурқат туманидаги «Уста Юсуфжон наққош» оилавий корхонаси уста наққоши Маҳаматали Юнусов ва бошқалар дунёда тараққиётнинг «Ўзбек моделе» сифатида эътироф этилган дастур барча соҳаларда улкан самаралар бераётганини, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалиб бораётганини қайд этди. Бу ютуқларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси эканини фахр билан таъкидлади.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Наманган ва Фарғона вилоятлари сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини, халқимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканини яна бир бор намоён этди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлар.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ 1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

УЛУҒ КАСБ ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фидойи устозлар давлатимизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида. Ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани устоз-мураббийларга қўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонқуяр мураббийлар 30 сентябрь кунини мамлакатимизнинг бош майдонидан бўлиб, ҳурриятимиз, порлок истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда бўлиб ўтган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг илгор ўқитувчилари, фидойи мураббийлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиш эшиттирди.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқадр таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши мамлакатимизни тараққий эттириш, турмушимизни фаровонлаштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган навиқор авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус



мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, музика ва санъат мактаблари, лицейу коллежлар, олий таълим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига мос таразда йўлга қўйиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Меҳнатимиз истиқлол йилларида кадр топди, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Раҳматулла Каримов. — Президентимизнинг маърифат аҳлига қўрсатган юксак эътибори барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашга даъват этмоқда, фарзандларимизни қомил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларни янада кучайтиришда қанот бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ўқитувчилар кўнглини тоғдек кўтарди, уларни янада кўпроқ изланишга, ўқув-тарбия жараёнини янада бойитишга ундади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқроқ ҳамкорликни ривожлантириш учун қўлай шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида барча умумтаълим мактабларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу маънавий-маърифий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўртабосимиз раҳнамолигида барпо этилган 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-хунар коллежиде ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатишмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизими бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли стандартга ўтказилди.

Маросимда Пскент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Мархаб Курбонова, Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзо ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар келажагимиз эгаларини Ватанимизга, буюк аجدдоларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлигини бахш этаётган касб соҳибларига қўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Дастлаб иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳақида сўз борди.

Шу кунга қадар мазкур тизим 1997 йилда қабул қилинган ва айни пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиб келинади. Мазкур Қонун қабул қилинганга қадар республикада фақатгина 2 фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб келган. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида қатор янги моддалар назарда тутилмоқда.

— Дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласида партиямиз Сайловолди дастурида алоҳида вазифалар белгиланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Шунга мувофиқ, фракциямиз қонун лойиҳасига қатор тақлифлар берди.

Дастлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш масаласида амалдаги қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиш киритишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида қатор янги моддалар назарда тутилмоқда.

— Дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласида партиямиз Сайловолди дастурида алоҳида вазифалар белгиланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Шунга мувофиқ, фракциямиз қонун лойиҳасига қатор тақлифлар берди.

Фракциямиз фикрича, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим. Дори воситалари рекламасини, шу жумладан, босма оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радиода жойлаштириш масаласини самарали ҳал қилиш керак. Бундан ташқари, биз рецепт билан бериладиган дори воситаларининг рекламаси фақат дори воситаларини тайинлаш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар орасида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилишда, шунингдек, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама этилди.

Қайд этилишича, қонун лойиҳасига ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги моддалар киритилмоқда. Жумладан, қонуннинг янги таҳририда соҳадаги масалаларни ҳал қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижкор ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини белгиланган моддалар ўрин олади. Шунингдек, чорвачилик объектига асосий ветеринария-санитария талаблари ҳамда аҳоли пунктларида қишлоқ хўжалик хайвонларини парвариш қилиш қондалари акс этган қатор меъёрлар ўз ифодасини топишмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамаджоновнинг фикрича, қонун лойиҳасида хайвонот оламига мансуб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъмин-

лашда давлат ветеринария назоратининг аҳамияти ва таъминлиги, бу борадаги жавобгарлик назарда тутилган. Бу, айниқса, аҳоли кўп истиқомат қиладиган ҳудудлар, шаҳарларда хайвонлардан юқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Шундан сўнг депутатлар «Ақциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Айтиш керакки, қонун лойиҳаси орқали бир қатор қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Бу орқали иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимдаги вазифаларни ҳал қилишда демократик механизмлардан самарали фойдаланиш, кам таъминланган аҳоли қатламнинг мулкий ҳуқуқини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг мулкий ҳуқуқи ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши ижтимоий ҳолатни янада яхшилаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга кенг имконият яратди.

Йиғилиш кун тартибига асосан депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда муҳокама этиб, концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

аҳолига замонавий алоқа ва интерактив хизматлар кўрсатилишида муҳим аҳамиятга эга

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси бўйича олиб борилган назорат-таҳлил ишлари якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, аввало, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун аҳолини замонавий алоқа ва давлат интерактив хизматлари билан таъминлаш, миллий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва шакллантириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Назорат-таҳлил фаолияти давомида қонун ижросига доир масалалар чуқур ўрганилган қайд этилди.

Депутатларнинг айтишича, назорат-таҳлил давомида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг телекоммуникацияларини ривожлантириш миллий дастурлари, стандартлар, нормалар ва қондаларни ишлаб чиқишдаги фаолиятига алоҳида аҳамият берилди. Телекоммуникация бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, тизим хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар назорат тартибиде қатъий ўрганилди. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари, операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар тармоқлари ҳамда хизматларини ривожлантириш

рини ривожлантириш зарур.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, давлат статистик маълумотларини таҳлил қилиш билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида телекоммуникация ҳамда давлат интерактив хизматлари кўрсатилиши бўйича истеъмолчиларнинг муносабатини ўрганишга доир социологик тадқиқотлар ташкил этилмоқда.

Йиғилиш давомида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, муҳокама марказида турган мазгуға тааллуқли фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдиришди.

Хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари аҳоли пунктларида замонавий ахборот технологиялари тизимини жорий этиш орқали кам таъминланган аҳоли қатламлари вакиллари учун ягона давлат интерактив хизматлари порталидан бепул фойдаланиш имконини яратиб бериш масаласини илгари суришди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Лазиза ШОМИЛОВА

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати ҳамиша эъзозланади, қадрланади. Биз бундай эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдоримиз.

«Сизга таъзим, устозлар!»

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда шу шиор остида тадбирлар ўтказмоқда

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлидаги барча эзгу мақсадларимиз бугун тарбияланаётган ёшларнинг билим ва истеъдоди, кучи ва салоҳиятига бевосита боғлиқ. Ана шундай баркамол авлодни вояга етказадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини эъзозлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз томонидан ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам ушбу касб эгаларига чўқур ҳурмат ва эҳтиром намунаси.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ва Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари иштирокида ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида фидойи касб эгаларига яна бир қарра ҳурмат ва эҳтиром

издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги замонда фарзандларимизни она-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш гоятда муҳим аҳамиятга эга, — деди у. — Бундай авлодни вояга етказишда устоз-мураббийларнинг хизмати беқиёс, албатта.

Таъкидлаш жоизки, ЎзХДП дастурий мақсадларида мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшлар учун таълим олиш, касб танлаш, адолатли, тенг ва ижтимоий мақбул шароитлар яратиш, ўқув юртларини битириб чиққандан сўнг уларни ишсизликдан ишончли ҳимоялаш, шунингдек, педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни босқичма-босқич ошириб бориш масалаларига эътибор қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ёшлар камоли йўлидаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни қадрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим дастурий вазифаларимиздан ҳисобланади.

меҳнатини рағбатлантиришга давлатимиз эътиборининг ёрқин намунаси.

Собитхон ТУРҒУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, қатор қонун ҳужжатларида таълим-тарбия билан боғлиқ масалалар кенг қамраб олинган, бу борада узоқни қўлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини фарзандларимиз эришаётган ютуқлар мисолида қўриб, фахрланиб турибмиз. Ўз вақтида қабул қилинган қонунлар, қарорлар янги, замон талабларига мос умумтаълим масканларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув, лаборатория жиҳозлари ҳамда компьютер ускуналари билан таъминлаш, таълим сифати ва мазмунини тақомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш имконини бермоқда.

Биргина ўтган йили республикада 28 касб-хўнара коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 объект, 131 касб-хўнара коллежи ва академик лицей реконструкция қилинди. Шунингдек, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 18 намунавий спорт объекти ва 73 мактабда спорт зали барпо этилди, зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг баркамол бўлиб униб-ўсиши, камол топишига хизмат қилади.

Тадбир давомида, шунингдек, Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей директори **Раъно Турдибоева**, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири **Гулчехра Тўлаганова** сўзга чиқиб, ўқитувчи ва мураббийларнинг шарафли ҳамда масъулиятли меҳнатини эъзозлаш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни фахр-ифтихор билан гапирди.



Зулфия ЮНУСОВА, Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги 155 умумтаълим мактаби директори:

— Таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш, ўз мустақил фикри ва дунёқарашига эга ёш авлодни тарбиялаш биз ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати ҳамиша эъзозланади, қадрланади. Биз бундай эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдоримиз.

Мактабимизда 710 нафар ўқувчига 50 нафар устоз ва мураббий таълим тарбия бериб келмоқда. Ўқув масканимиз яқинда капитал таъмирланди. Ўқувчиларни бўш вақтини самарали ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун дарслардан сўнг спорт тўғрисидаги жалб қилганмиз. Таълим олаётган ўғил-қизларимиз туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли мусобақалар, фан олимпиадаларида муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда. Уларнинг ютуғи — бизнинг ютуғимиздир.

Ўқитувчи ва мураббийлар кўни катта байрам сифатида нишонланиши, ҳар йили

ёш авлодни тарбиялашдаги фидойи меҳнати билан обрў-эътибор қозongan устозларнинг Ватанимиз юксак мукофотлари билан тақдирланиши бизга катта масъулият юклайди. Ёш авлод камоли йўлида тинимсиз изланишимиз учун янада куч беради.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳам устозларни муносиб тақдирлаш ва байрам билан муборакбод этиш мақсадида «Сизга таъзим, устозлар!» шиори остида байрам тадбири ташкил этди.

Унда узоқ йиллар давомида ёш авлодга илм, ҳунар сирларини ўргатиб келаётган устоз-мураббийлар, санъаткорлар, парламент Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар юртимизда ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун шарт-шароитлар яратилганини эътироф этишди. Истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода қадр тоғгани, ўтган йиллар давомида шаҳар, қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида таълим масканлари бунёд этилгани, маҳали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган

ишлар хусусида фикр алмашилди.

— Кўп йиллар таълим соҳасида меҳнат қилдим, — дейди **Махфират Асомова**. — Шайхонтохур туманидаги 102-мактабда 15 йилга яқин раҳбар бўлдим. Ҳозир пенсиядаман. Илк фаолиятим даври билан бугунги кўни таққослаб бўлмайди. Мустақиллик йилларида ёшларга, умуман, таълим соҳасига қаратилаётган эътиборни кўриб қувонаман. Чиройли кийиниб мактабга ошиқаётган набираларимга ҳавас қиламан. Тинчликка, ободлигимизга шўқрона айтаман. Айниқса, ўқитувчиларнинг меҳнати доимий эътиборда. 2000 йилда «Халқ таълими фидойиси», 2005 йилда эса «Халқ таълими аълочили» деган нишонларга сазовор бўлдим. Фарзандларимизга таълим-тарбия бериш ниятида ишлаганимдан, бугун катта ютуқларга эришаётган ўқувчиларим, шогирдларимга устоз эканимдан фахрланаман.

Тадбирлар сўнггида муаллимларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев кириш сўзи билан очди.

— Ҳеч кимга сир эмаски, дунёда инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавиятини

Юртимизда ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳага сарфланмоқда. Ушбу маблағнинг 30-35 фоизи тўғриван тўғри таълим тизимига йўналтирилмоқда. Бу рақамлар таълим соҳасига, устоз ва мураббийларнинг

ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Мурожаат ортида электорат манфаати бор

Ҳар бир сиёсий партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ўз электорати манфаатини ҳимоя қилади. Бу борада самарали усуллари ва йўналишларни амалиётга татбиқ этишга интилади. ЎзХДП тизимида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари бунда энг муҳим механизм эканлигини мурожаатлар сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам исботлаб турибди. Демак, аҳолининг партига ишончи ортиб бормоқда. Бу эса қабулхоналар фаолиятини кучайтириш, ҳар бир мурожаатга эътиборли бўлишни талаб этади.

Андижон вилоятида ҳар ойда икки марта белгиланган муддатда кўча қабулхоналар ташкил этиляпти. Бу орқали жойларда аҳолини ташвишга солаётган масалалар чўқур ўрганилмоқда. Мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллий кенгаш раислари томонидан йирик бошланғич партия ташкилотларида махсус ишчи гуруҳлари тузилмоқда. Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари мазкур гуруҳларга жалб этиляпти. Кўча Жамоатчилик қабулхоналар электорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги таъсири ва ўрни ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Табиятида андиша кучли бўлган халқимиз, одамларимиз биронинг эътигини шунчаки, арзимаган ваз билан тақиллатмайди. Шу боис Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларга юзаки ёндашиб бўлмайди. Қабулхоналарга аҳолидан мурожаат тушганини, демак уларни уйлантираётган масалани ўрганиш, ечим топиш зарур. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати,

унинг фаровон турмуш кечириши учун тўсик бўлаётган масалалар ётади. Аҳоли томонидан кўрсатилаётган ҳар бир кичик камчилик ҳам эртага рўй бериши мумкин бўлган катта муаммонинг олдини олишга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Яқинда вилоятнинг чегара ҳудудида жойлашган Жалақудук тумани Тешиктўш ҚФЙнинг «Қўртқи» ва «Ғайрат» маҳаллаларида яшовчи аҳоли телеканалларда мавжуд носозликларни бартараф этиш юзасидан мурожаат қилди. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдулҳамид Нурматов томонидан мутасадди ташкилотларга юборилган депутатлик сўрови асосида бу борадаги муаммолар бартараф этилди.

Мунираҳон Акбарова эса турмуш ўртоғининг иш жойи ўзгариши муносабати билан Андижон шаҳрига кўчиб келган. Шу боис ишга жойлашиш масаласида қабулхонамизга мурожаат қилди. Депутатларимиз кўмағида у мутахассислиги асосида ишга жойлаштирилди. Бу билан яна



бир оиланинг фаровонлигига ҳисса қўшилди. Зеро, аёл ишли бўлса, оила даромади кўпаяди, жамиятда ўз ўрни, обрўсига эга бўлади, дунёқараши, тафаккури кенгайи.

Шунингдек, Жалақудук тумани «Абдулабий» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Адхамжон Мадазимов қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида мурожаат қилди. Унинг мурожаати асосида «Сувоқва» ташкилотига депутатлик сўрови юборилди. Ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликлар бартараф этилди.

Мурожаат мазмунидан келиб чиқиб, тегишлилиги бўйича раҳбарларга депутат сўровлари юборилиши қонунчиликлари кўзда тутилган. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мухими, кўтарилган масалаларни ўрганиш, ҳамкор ташкилотлар кўмағида ечим топишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партияимиздан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида Ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилган. Улар нафақат одамларни уйлантираётган масалаларга тўлиқ жавоб берилишига, балки аҳолининг ижтимоий-сиёсий билиминини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда ўтказиладиган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси тадбирлари доирасида ҳам кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилмоқда. Бу борада **Асака, Булоқбоши, Бўз, Балиқчи, Жалақудук туманлари** яхши натижаларга эришяпти. Фуқаролардан тушган **380 га яқин** мурожаатнинг **169 таси** ижобий ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бироқ барча жойда ҳам қабулхоналар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айрим

ҳудудларда эл кўзига, номига қабуллар ташкил этиляпти. Уларга келиб тушган айрим мурожаатлар жавобсиз қолиб кетган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Масалан, **Пахтабод, Андижон туманларида** аҳоли мурожаатларининг маълум қисминга ҳал этилиб, қолгани очикчилигига турибди. Аслида, ҳар бир мурожаатга жавоб бериш, унинг ечимини топишда елиб-югуриш бизнинг асосий вазифамиздир. Мурожаатларга беъэтибор қараш партияимиз обрўсини туширади, муаммолар ўз ҳолича қолиб кетади. Фуқаролар томонидан билдирилган муаммолар ўша жойнинг ўзида ечим топса, назоратга олинса ёки тушултириш берилса, бундан аввало, фуқаролар манфаатдор бўлади, партияга ишонч ортади.

Айни кунда бу борадаги фаолиятимизни янада тақомиллаштиришга ҳаракат қилилмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда партия ташкилотлари аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиши масаланинг энг муҳим жиҳати саналади. Яъни, мурожаатлар асосида аниқланган масалаларни умумлаштириб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига киритиш зарур. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига партия электорати ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, манфаатига хизмат қилувчи талаб ва тақлифларни дадиллик билан айтиш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Ана шунда кўтарилган ҳар бир масала ўз ечимини топади, одамларнинг оғри енгил бўлиб, турмуш фаровонлиги ортади.

Нозимо ДАДАЖОНОВА, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши бўлим мудири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни байрами муносабати билан Миллий матбуот марказида анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Халқ таълими вазири **Улуғбек Иноят**тов йиғилганларни байрам билан табриклади.

Таълим-тарбия уйғунлиги

— Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, педагоглар меҳнатини муносиб рағбатлантириш натижасида таълим-тарбия жараёнининг сифати тубдан яхшиланди, — деди у. — Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 383 минг 625 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Таълим самарадорлигини таъминлашда педагог касб маҳорати, унинг билим ва кўникмаси, маҳакаси алоҳида эътиборга олинапти. Олий маълумотли мутахассислар сафи кенгайтириляпти.

2006-2007 ўқув йилида 68,5 фоиз ўқитувчи олий маълумотга эга бўлган бўлса, ҳозир умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг 79,3 фоизи олий маълумотга эга. 2015-2016 ўқув йилида олий ўқув юртларида педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича таҳсил олган 7087 нафар ёш мутахассиснинг мактабларга ишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Тадбирда таъкидланганидек, таълим-тарбия жараёнларини мазмунан бойитиш ва самарадорликка эришишда педагоглар малакаси ва касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода республикада 14 ҳудудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ҳамда Халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш марказий институтида масофавий таълим ресурс марказлари ташкил қилинган ва унинг тингловчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўтган ўқув йилида жами 47 узоқ туман ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослиги бўйича етишмайдиган кадрларни тайёрлаш учун 200 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига мақсадли қабул қилинди. Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан синовлардан ўтказилиб, улар маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида эса 15 фоиз миқдорда қўшимча иш ҳақи бериб боришмоқда.

— Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган қўриқ-танловлар биз ўқитувчи ва педагогларга энг илгор тажрибаларни ўрганиш имконини бермоқда, — дейди **тарих фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» номинатсияси** **Ғолиби Навоий** шахридаги II-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси **Сардор Норбўтаев**. — Бундай танловлар таълим мазмунини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» қўриқ-танлови ўтказилмоқда.

Тадбирда устоз ва мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлашининг тақомиллашиб бораётганлиги ҳақида ҳам фикр юритилди.

Ўтган йиллар мобайнида халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 3954 нафар устоз ва мураббий турли давлат мукофотлари ва унвонлар билан тақдирланди. Шулардан 6 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони. 122 нафари «Эл-юрт ҳурмати», 32 нафари «Фидокорона хизматлари учун», 291 нафари «Меҳнат шўхрати» орденлари соҳиблариди.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Озода БЕКМУРОДОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Аслида, устоз учун шогирдларидан табрик эшитиш, уларнинг камолини кўришдан ортиқ мукофот йўқ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 1-oktabr. Payshanba

116-117 (32.020)-son

www.uzbekistonovozi.uz

5

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

«Касбимдан фахрланаман»

Эрта тонгда йўлга отландим. Таҳририят топиригига биноан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида мақола тайёрлашим керак эди.

Пойтахтдан чиқиб, Бўстонлиқ тумани ҳудудига ўтишгиз билан ўзгача манзара бошланади. Катта йўлнинг икки четида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган кўркем уйлар, тўғрига қарасангиз, пурвиқор тоғлар, тоғ этагидаги қишлоқларни кўриб кўз қувнайди. Ҳавонинг тозаллигини айтмайсизми... Бу манзаралар кишига ҳузур бағишлайди. Мана шундай ўй-хаёл билан туманининг Соёлиқ қишлоғига етиб борганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Атрофни кузатаркансиз, йўл четида мактаб формаси ўзларига ярашган ўғил-қизлар кўлларидан даста-даста гул тутганча шошиб кетаётганига гувоҳ бўлдик. Дарров англадик, эртага 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини... Шу ерда тўхтаб, болаларга эргашиб, 11-умумтаълим мактаби ҳовлисида кирдик. Ҳаммаёқ тоза, озода. Манзарали доврахтлар, бир-биридан чиройли турфа гуллар...

Мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ўғил Исроилова мақсадини билгач, бизни синфхоналардан бирига бошлади. Қарангки, боя кўрганимиз — гул кўтариб келаётган жажжи ўғил-қизлар бошланғич синф ўқитувачиси Шахло Махкамовани табриклаётган экан.

— Ўқитувчилик касбини танлаганимдан жуда хурсандман. Касбим билан фахрланаман, — дейди у. — Бугун ўқувчиларимнинг «устоз, байрамингиз билан табриклайман», деган сўзларини эшитиб, қанчалик қувонганимни ифодалаб беролмайман.

Ушбу ўқувчиларим ҳозирда 3-синфда ўқишади. Болаларни оппоқ ёзилмаган қоғозга ўхшатаман. Қоғозга нима ёзилса, ўша муҳралиб қолади. Болаларга нилани ўргатсанг, ўша ёдда қолади. Илк бор 1-синфга ўқишга келаётган болаларни кўлидан тутиб, ёзишни



Сайраш ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

ўргатаётганимда кўнглимдан «бу ўқувчиларим келажақда юртимиз учун муносиб фарзанд, етук мутахассис бўлади», деган ишонч ўтади. Чунки ўтган йиллар мобайлида ўқитган ўқувчиларимнинг бири бугун шифокор, бошқаси муҳандис, яна бири ҳуқуқшунос, тадбиркор ва ўзим каби ўқитувчидир. Уларнинг эришаётган ютуқларини эшитиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлман. Байрам

ларда кўнғироқ қилиб ёки йўқлаб келиб табриклашганда, эришаётган ютуқлари ҳақида тўқинлашиб гапирганларида мени фахр-ифтихор туйғуси чулғаб олади...

Дарҳақиқат, устоз учун шогирдларидан табрик эшитиш, уларнинг камолини кўришдан ортиқ мукофот йўқ.

— Шахло Махкамова мактабимизда 29 йилдан бери бошланғич синфларга дарс

беради. Ўз касбининг етук мутахассиси, фидойи ўқитувчиларимиздан, — дейди Ўғил Исроилова. — Ҳозирда мактабимизда 974 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Уларни дарсдан сўнг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун турли хил фан, спорт, ҳунар ўрганиш тўғрисидаги ташкил қилинган. Таълим муассасамизда энг замонавий компьютерлар билан жиҳозлан-

Ўтган йиллар мобайлида ўқитган ўқувчиларимнинг бири бугун шифокор, бошқаси муҳандис, яна бири ҳуқуқшунос, тадбиркор ва ўзим каби ўқитувчидир. Уларнинг эришаётган ютуқларини эшитиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлман.

ган икки синфхонамиз бор. Спорт залими ҳам замонавий, зарур инвентарлар билан жиҳозланган. Ўқувчиларимиз чуқур билим олиб, жисмонан чиниқиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган...

Мактабдан узоқлашарканмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни воёга етказишдек эзгу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларга шогирдлари камолини, меҳнатлари роҳатини узоқ йиллар кўриб юриш насиб этсин, деган тилак кўнғилдан ўтди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Жасур БОЙҚЎЗИЕВ:

«Ютуқларимдан ҳали кўнглим тўлгани йўқ»



Муҳаммад АМИН (Уш) олган сурат.

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан бир гуруҳ спортчи ва мураббийларимиз ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Тазквондо (WTF) бўйича Инчонда ўтказилган ёзи Осиё ўйинлари қолиби, қитъа чемпионати ва жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Жасур Бойқўзиев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонига сазовор бўлди.

Истеъдодли тазквондочини учрашиб, унинг бугунги фаолияти, келгуси режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Аввало, сизни юксак унвон билан табриклаймиз! Ушбу хушxabарни биринчи бўлиб кимдан эшитдингиз ва кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?

— Бу хабарни биринчи бўлиб, Ўзбекистон тазквондо (WTF) ассоциациясининг президенти Ботир Париевдан эшитдим. Машғулот ўтказётган чоғимда кўнғироқ қилиб табриклашди, аввало ишонмадим. Кейин мураббийларим, дўстларим бирин-кетин кутлашди.

— Одатда, кўпчилик ўзи ёқтирган спорт тури билан 6-7 ёшдан бошлаб шугуллана бошлайди. Айтишларича, сиз бошқаларга нисбатан тазквондо оламини биринчи кеч қилиб келган экансиз?

— Болалиқда инсон жуда қизиқувчан бўлади. Аввалига футболчи бўлишни оруз қилганман. Сўнгра, маълум вақт дзюдо билан шугулландим. Тазквондо билан шугулланишни эса ўн тўрт ёшдан бошлаганман. Ангрен шаҳридаги 13-мактабда ўқиш билан биргаликда бўш вақтларимда мураббий Дилшод Тўракуловдан сабоқ олганман.

— 2008 йилда терма жамоа таркибига қабул қилинган бўлсангиз, халқаро мусобақадаги илк ғалабанингиз орадан тўрт йил ўтган, кўлга киритгансиз...

— Ҳа, шундай. Ҳеч бир спорт тури бўйича муваффақиятга эришганимни эсимдан бўлмайди. Жумладан, буни тазквондо мисолида ҳам айтиш мумкин. Мамлакатимиз истеъдодли спортчиларга жуда бой. Қачонки, рақобат ва машаққатдан қўрқмай олдинга интилсангиз, кўзлаган натижангизга эришар экансиз. Бугун терма жамоамизда Александр Ким раҳбарлигида тажрибали мураббийлар жам бўлишган. Уларнинг ўғит ва кўрсатмаларига таяниб кам бўлганимиз йўқ. Илк марта 2012 йил март ойида Германияда ўтказилган халқаро мусобақада 87 килограмм вазн тоифасида қолиб чиққанман. Бу менга катта куч бағишлаш билан биргаликда янги марралар сари ундади.

— Бу йил сиз учун анча омадли ўтмоқда. Дастлаб Челябинск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида, сўнгра

бирин-кетин Гран-при туркумидаги нуфузли халқаро турнирларда совриндор бўлдингиз.

— Эришган натижаларимдан ҳозирча кўнглим тўлгани йўқ. Аиникса, Россияда ўтган жаҳон чемпионати финалида бирозгина суст ҳаракат қилганим сабабли озарбайжонлик спортчи Радик Исаевга очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютқазиб қўйдим. 2016 йили Рио-де-Жанейрода XXXI ёзи олимпия ўйинлари ўтказилади. Мақсадим — ана шу нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олимпия чемпионлигини кўлга киритишдир. Шу боис, олимпияда йўлланмаси учун рейтинг очколари берувчи барча турнирларда ғалаба қозонишни ўз олимпида мақсад қилиб қўйганман.

— Айни чоғда навбатдаги мусобақаларга қандай ҳозирлик кўряпсиз?

— Ҳозиргача ёзи олимпия ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари тақдим этилган тўртта мусобақада кўзлаган натижаларимга эришдим. Навбатдаги Гран-при туркумидаги халқаро турнир Туркиянинг Самсун шаҳрида ўтказилади. Сўнгра октябрь ойида Англия, декабрда эса Мексикада бўладиган мусобақаларда қатнашамиз. Агар ҳар бир турнирда рейтинг учун қўлчиларга 40 очкодан берилишини ҳисобга олсак, уларнинг барчасида беллашувлар шиддатли кечишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Эркин ХОЛБОБОВ суҳбатлашди.

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ:

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2015 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг иқидий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаввирлар, расм-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоби» VII Республика кўрик-танлови кўйилди 7 та номинация бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. «Иқтимой-сиёсий адабиёт»;
 2. «Ватан тарихи»;
 3. «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;
 4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
 5. «АРТ китоби»;
 6. «Маънавий-маърифий адабиётлар»;
 7. «Илмий-фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар».
- Танловга қўйилган нашрларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинад:
- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
 - таҳририй-ноширлик даражаси;
 - дизайннинг оригинал ечими ва бадиий ечимларнинг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
 - матбаа ижросининг сифати;

— нашрнинг оммабоплиги ва иқтимой аҳамиятлилиги. Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2015 йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади. Танлов қолиблари ташкилий қўмита томонидан 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон матбуоти» V Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга махсус дипломлар тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилсин.

Манзил: Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 244-12-61, 244-31-85.

РЕКЛАМА

«Best Globe Realtor» МЧЖ

2015 йил 19 август ва 9 сентябрь кунлари ўтказилган танлов савдолари натижаларини маълум қилади

Т/р	Объект номи	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
2015 йил 19 августдаги танлов савдолари натижаси			
1	«Автобекат ва савдо дўхона» биноларини қуриш учун «Мустақиллик» ҚФЙ ҳудудидан 40,0 кв.метрдан иборат ер майдони	19 013,6	180 000
2	«Автомобилларга техник ва маиший хизмат кўрсатиш» биноларини қуриш учун «Алели» ҚФЙ Навгайи ҳудудидан 200,0 кв.метрдан иборат ер майдони	95 068,0	50 000 000
3	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	330 000
4	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	400 000
5	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	250 000
6	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	250 000
7	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	1 500 000
8	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	500 000
9	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	400 000
10	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 60,0 кв.метрдан иборат ер майдони	28 520,0	300 000
11	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 50,0 кв.метрдан иборат ер майдони	23 767,0	300 000
12	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 50,0 кв.метрдан иборат ер майдони	23 767,0	300 000
13	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 200,0 кв.метрдан иборат ер майдони	95 068,0	400 000
14	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 160,0 кв.метрдан иборат ер майдони	76 054,4	300 000
15	«Чойхона» биносини қуриш учун «Охшиқ» ҚФЙ Қўлиболо ҳудудидан 200,0 кв.метрдан иборат ер майдони	95 068,0	350 000
2015 йил 9 сентябрдаги танлов савдолари натижаси			
16	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Қароли» ҚФЙ Довуд ҳудудидан 200,0 кв.метрдан иборат ер майдони	95 068,0	250 000
17	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Қароли» ҚФЙ Довуд ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	200 000
18	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Қароли» ҚФЙ Довуд ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	200 000
19	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Қароли» ҚФЙ Довуд ҳудудидан 100,0 кв.метрдан иборат ер майдони	47 534,0	250 000
20	«Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш» биносини қуриш учун «Қароли» ҚФЙ Довуд ҳудудидан 160,0 кв.метрдан иборат ер майдони	75 054,4	200 000

Хизматлар лицензияланган.



Тақиқлов чораси

қайта амалда

Бугунги кунда Европада автотранспорт воситаларидан воз кечиш, велосипедда ҳаракатланиш оммавий тус олиб бормоқда. Бунда биринчидан, экологияни бузилишдан сақлаш мақсади мужассам бўлса, иккинчидан, саломатлиқни тиклаш масаласи ҳам ўрин олган. Бирок Шимолий Кореяда аёлларнинг велосипед ҳайдашларини тақиқловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат яна қайта кучга кирган, дея хабар беради Жанубий Кореянинг «Daily NK» интернет-портали.



Ушбу тартиб ижросини назорат қилиш жамоат хавфсизлиги хизмати зобитлари зиммасига юкланган. Қондани бузганлар жарима тўлаш билан бирга велосипедидан ҳам айриладилар — давлат ҳисобига мусодара қилинади.

Аслида аёлларнинг велосипед ҳайдашини тақиқловчи чора ўтган асрнинг 90-йилларида жорий этилган эди. Ушанда партиянинг юқори лавозимдаги раҳбарларидан бирининг қизи велосипедда автоҳалокатга учраб, ҳаётдан кўз юмгани бу тақиқловга сабаб бўлганди.

2012 йилда эса бу тақиқлов беқор қилинган, аёллар яна велосипед мина бошлаган. Аммо энди тақиқлов яна кучга кирди.

Инсониятнинг табиатга таъсири

камаётгани йўқ

Инсониятнинг табиатга антропоген таъсири салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Лекин натижа... Иқлим ўзгаришлари ҳам айнан одамзоднинг табиатга таъсири натижасидир. Иқлим ўзгаришлари эса Европадаги амфибияларнинг қарийб 70 фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфини юзага келтирмоқда. Британиялик олимлар бу ҳолат 2050 йилгача давом этиши мумкинлигини алоҳида таъкидламоқда.



Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда қайд этилишича, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган бу жониворларда замбурғ касаллиги аниқланган. Мазкур касаллик туфайли Коста-Рика ҳудудларида учрайдиган бир неча турдаги бақалар бутунлай қирилиб кетган.

АҚШ мутахассислари дунё океанлар оламининг 40 фоиздан зиёди айнан инсон таъсири оқибатида зарар кўрганини таъкидламоқдалар.

Кейинги тадқиқотлар натижаси шуни тасдиқладики, дунё океанининг атиги 4 фоизигина ўзининг табиий муҳитини асл ҳолича сақлаб қолган экан ҳолос.

Маълумотларга қараганда, Шимолий Атлантика, Тинч океанининг қарбий қисми, Қариб, Ўртаер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизларига ҳамда Форс кўрфазига катта зиён етган.

«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»

акциядорлик компанияси жамоаси

мамлакатимиз таълим соҳасида
меҳнат қилаётган барча устозларни
Ўқитувчи ва мураббийлар куни
билан муборакбод этади.

Сизларга ва оила аъзоларингизга соҳат-саломатлик, бахту саодат,
келгуси ишларингизга омадлар тилайди.

Байрамингиз қутлуз бўлсин, азиз
ва меҳрибон устозлар!



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
УЧҚУДУҚ ТУМАНИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ
МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ
ВА ТАШКИЛ ЭТИШ
БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

машаққатли ва шарафли касб
эгалари ўқитувчи ва
мураббийларни касб байрами
билан табриқлайди.
Барча ҳамкасбларимиз
хонадонларига тинчлик ва
хотиржамлик тилайди.



ТАҚДИМОТ

«Киночилар уйи»да таниқли
навоийшунос олим, академик
Азиз Қаюмов, филология
фанлари доктори, профессор
Наим Каримов ва Ўзбекистон
халқ рассоми академик Ортиқ
Файзуллаевнинг ҳаёти, ижо-
дий фаолияти ва илмий изла-
нишлари ҳақида ҳикоя қилув-
чи ҳужжатли фильмлар тақ-
димоти бўлиб ўтди.

Илм ва инсонийлик йўли

«Ўзбекино» Миллий агентлиги
буюртмасига биноан суратга олин-
ган мазкур «Адабиёт сарманзилла-
ри», «Дониш дарахти» ва «Уста» ном-
ли фильмлар қаҳрамонлари билан
ижодий учрашув ўтказилди.

— 1 октябрь — Ўқитувчи ва му-
раббийлар куни юртимизда умумхалқ
байрами сифатида кенг нишонлана-
ди, — дейди академик Азиз
Қаюмов. — Сабаби ўқитувчилар бу-
тун ҳаётини, куч-қувватини зиё ула-
шишга, соғлом авлод тарбиясига ба-
ғишлаган инсонлардир. Бизга таълим
берган ўқитувчилар номини ҳурмат
билан ёдга оламиз. Уларга доимо
таъзимдаимиз. Юртимиз мактаблари-
да ишлаётган барча ўқитувчилар соғ-
саломат бўлсин. Ёшлар тарбиясига
шундай муҳаббат билан ёндашиб, ҳар
томонлама баркамол авлодни вояга
етказиш йўлида ҳормай-толмай меҳ-
нат қилишларини тилайман.

Мазкур ҳужжатли фильмлар Прези-
дентимиз томонидан тасдиқланган
«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат
дастури ижроси доирасида суратга
олинган. Дастурда фан, маданият ва
санъатда катта натижаларга эришган,
буюк илмий, адабий, мусиқали асар-
лар бошқа маданий қадриятлар ярат-
ган ватандошларимиз ҳаёти ва фаоли-
яти ҳақидаги «Умрбўйиқ сиймолар» ном-
ли ҳужжатли фильмлар туркумини яра-
тиш белгилаб қўйилган.

Йил якунига қадар яна бир қатор
ўз соҳасининг етуқ намоёндаларининг
ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи
фильмлар тақдимоти уюштирилиши
режалаштирилмоқда.

Тақдимот маросимида фильм
қаҳрамонлари билан бир қаторда улар-
нинг шоғирдлари ва кўплаб таниқли
олимлар, ижодкорлар иштирок этди.

Шаҳбоз САИДОВ

Навоий вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли

ҚИЗИЛТЕПА АГРОСЕРВИС ВА ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ
КЎРСАТАЁТГАН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИ
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИҚЛАЙДИ.

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

 АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	 АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	 АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³
 КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³	 ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	 АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Навоий вилояти
ўрта махсус касб-
ҳунар таълими
бошқармасига
қарашли
КОНМЕХ
ИҚТИСОДИЁТ
ВА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ
КАСБ-ҲУНАР
КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ

Азиз ўқитувчи ва
мураббийларни,
таълим соҳаси
жонқуярларини
касб байрами
билан
қутлайди.
Ёшларни
мамлакат
тарбиясига
муносиб ҳисса
қўшадиган қадрлар
этиб тайёрлашдаги
ишларига
муваффақиятлар
тилайди.



MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
10429
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 4 5 6